

Meros

№ 2/2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ 80 ЁШДА

Ҳасаний М. Бугун бизда *(ЎзР Фанлар академияси ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 80 йиллигига бағишланади)* қўшалоқ байрам 3

Каримова С. Шарқшунослик институти 80 йиллик тарихидан ёрқин лавҳалар 7

МАНБАШУНОСЛИК

Азимов Х. Хитой манбаларида Марказий Осиё ва Хитой савдо алоқаларига оид маълумотлар (милоддан аввалги II – милодий XI асрлар)..... 74

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Якубов Қ. Хоразм солиқ тизимида вақф ерлари (XIX аср охири – XX аср бошлари) 83

Абдурасулов Х. Из истории караван-сараев Туркестанского генерал-губернаторства 95

Базарбаев А. Туркистонда мулк ва жамоа ерларининг ҳуқуқий ҳолати (XIX аср – XX аср бошлари) 106

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Жўраев Ж. “Туҳфаи Сомий”даги Темурий шаҳзодаларга оид маълумотлар 120
Турсунов Р. Фузулий ғазалига Ғозий татаббуъси: икки шоир – икки талқин 134
Эшонова С. Нодира туркий девонларининг ЎзРФА Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзмалари матний қиёси 145

ИСЛОМШУНОСЛИК

Усмонов И. Ҳаким Термизийнинг фиқҳга оид қарашлари 159
Муҳаммадаминов С. XVII аср Марказий Осиё *жўнг* тўпламларида *уруш диёри* масаласи 173
Хуснутдинов Ф. Исламская литература для эмигрантов из Советской Средней Азии. «Книга о паломничестве» Саййида Махмуда Тарази (1895–1991) 188

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н., Алимова Л. К истокам женского образования в Китае и Корее (конец XIX – начало XX вв.) 206

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2023 йил 27 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*
Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail*: beruni1@academy.uz*

22.12.2023 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №:16-23. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилд и.

С. Каримова

Шарқшунослик институти 80 йиллик тарихидан ёрқин лавҳалар

2023 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (ФАШИ) ташкил топганига 80 йил тўлди. Бу давр ташкилотни тузишдан кўзланган мақсад ва ундан кутилган самара қай даражада ўзини оқлагани, республика илм-фани учун шу ташкилотнинг фаолият юритиши қанчалик кераклигини аниқлаш учун етарлидир. Ўтган 80 йил мобайнида ФАШИ фаолияти тарихида кўтарилиш, пасайиш ва турғунлик даврлари ҳам бўлди. Буларнинг барчасидан Институт жамоаси тегишли хулоса чиқариб, республикадаги шарқшунослик тадқиқотларини ривожлантириш ва уларни жаҳон илм-фанига интеграциясини таъминлаш йўлида айтарли ишларни амалга оширди. Уларнинг асосийлари билан ўн йилликлар кесимида танишамиз.

Институт 1943 йил ЎзССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1943 йил 3 ноябрдаги 1552-сонли қарорига биноан Давлат халқ кутубхонаси (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси)нинг Шарқ бўлими негизида ташкил этилган. 1950 йилгача у Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти деб аталган.

XX асрнинг 40-йиллари охири – 50-йилларининг бошида Осиё ва Африка мамлакатларида миллий озодлик ҳаракатлари авж олган эди. Сиёсий сабабларга кўра ФА тизимида хорижий Шарқ мамлакатларининг янги ва энг янги тарихи билан шуғулланувчи илмий марказ яратиш лозим деб топилди. Шунга кўра, Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти 1950 йилда Шарқшунослик институтига айлантирилди ва унда “Хорижий Шарқ мамлакатлари” бўлими очилди. 1957 йилда Институтга мусулмон Шарқининг буюк қомусий олими Абу Райҳон Беруний номи берилди.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фаолият юритган бинолар



1943–1967 йиллар



1967–2017 йиллар



2017 йилдан ҳ.в.гача

Институт номининг шаклланиши

ФА Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти (1943–1950) (ЎзССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 03.11.1943 йилдаги 1552-сонли қарори)	**ЎзР ФА Шарқшунослик институти** (1950–1957)	**ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти** (1957 йилдан бошлаб)



А. Семенов
(1873–1958)




В. Зоҳидов
(1914–1983)

Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институтининг биринчи директори (1943–1948) таниқли шарқшунос олим, тарих фанлари доктори (1942), Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1943), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1944), Тожикистон ФА ҳақиқий аъзоси (1951), Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1946) Александр Александрович Семёнов бўлган. Ундан кейин, 1949–1950 йилларда Институтга фалсафа фанлари доктори (1946), профессор (1949), Ўзбекистон ФА

ҳақиқий аъзоси (1966), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964) Воҳид Йўлдошевич Зоҳидов раҳбарлик қилган.

Мазкур икки раҳбар янги ташкил бўлган институтни кадрлар билан таъминлаш, қўлёзма фондидаги манбаларни сақлаш, уларни хатлов қилиш, картотека тузиш, дастлабки илмий тавсифларини амалга ошириш ҳамда таржима ва тадқиқ ишларини йўлга қўйиш каби масалалар ечими билан шуғулландилар. Бунинг натижаси ўлароқ фонддаги китобларни тартибга солиш ва жойлаштириш ишлари Иброҳимжон Юсуфжонов томонидан амалга оширилди. Фонд қошида китобларга кимёвий ишлов бериш учун лаборатория ташкил қилиниб, у ердаги ишларга Петр Дмитриевич Зотов раҳбарлик қилди [215: 125].

Эндиги босқичда китобларга илмий ишлов бериш учун араб, форс ва эски ўзбек тилини яхши биладиган мутахассисларни топиш зарур эди. Қўлёзмалар билан ишлаш учун мадраса таълимини олган Содиқ Мирзаев, Абдуфаттоҳ Расулов, Абдуқодир Муродов, Абдулла Носиров, Мадаминжон Абдураҳмонов, Эшонхўжа Муҳаммадхўжаев, Боситхон Зоҳидхонов, Солиҳ Муталлибов каби қўлёзма манбалар билимдонлари жалб қилиндилар.



С. Мирзаев (1885–1967)


А. Расулев (1893–1977)


А. Муродов (1893–1974)


А. Носиров (1899–1987)

Улар билан бирга М.А. Салье, А.К. Арендс, А.А. Семенов каби Россия шарқшунослигининг кўзга кўринган олимлари, шунингдек, Ўрта Осиё Давлат Университети Шарқ факультетининг биринчи қалдирғочларидан Убайдулла Каримов, Азизхон Қаюмов, Қувомиддин Муниров, Рустам Комилов, Надия Аҳмаджонова, Абдуқодир Ҳайитметовлар институтнинг оз сонли бўлса-да, лекин бақувват илмий пойдеворини ташкил қилдилар. 1952 йилда янги ташкил қилинган “Хорижий Шарқ мамлакатлари” бўлимига тарих фанлари номзоди Михаил Григорьевич Пикулин мудирлик қилди [215: 127].



А. Арендс
(1893–1977)




М. Салье
(1899–1961)



М. Пикулин
(1905–1987)



У. Каримов
(1920–1997)



А. Қаюмов
(1926–1917)

Шундай қилиб, ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб Институтдаги илмий ишлар қуйидаги тўрт йирик йўналиш бўйича олиб борилди:

1. Қўлёзмаларни каталоглаштириш;
2. Манбалар нашри;
3. Марказий Осиё тарихини ўрганиш;
4. Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи ва бугунги куни билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш.

Ҳар бир йўналиш бўйича олиб борилган ишлар у ёки бу даражада ўз даврининг талаби таъсирида бўлган. Хусусан, бошқа ижтимоий-гуманитар соҳаларда бўлгани каби шарқшунослик тадқиқотлари ҳам мафкура билан йўғрилган ва уларда синфий ёндашув талаб этилган.

Шу сабабдан ўрта аср манбаларининг диний аспекти деярли назарга олинмаган ёки айрим ҳолларда уларни атеистик нуқтаи назардан талқин этишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, ҳукмдорлар, диний арбоблар ва сўфийлик тариқатлари фаолияти ҳам асосан

негатив баҳоланди. Хорижий Шарқ мамлакатларидаги жараёнларни ўрганиш эса, сиёсий манфаатдан келиб чиқиб, шу мамлакатларда турли даврларда юз берган халқ қўзғолонлари, миллий озодлик ҳаракатлари ҳамда маданий жараёнлар тадқиқи билан чекланган. Лекин шундай шароитда ҳам ФАШИнинг илмий ва ташкилий ҳаётида айтарли ишлар амалга оширилди.




С. Азимжонова (1922–2001)

1950–1976 йилларда ФАШИга тарих фанлари доктори, Ўзбекистон ФА ҳақиқий аъзоси Сабоҳат Азимжонова директорлик қилганлар. Бу даврнинг биринчи ўнйиллигида қўлёзмалар фондини бойитиш ишларига алоҳида эътибор берилди, зеро, Институтнинг вазифаси фақат бор фондни сақлаш ва ўрганиш эмас, балки уни аҳоли қўлида сақланаётган манбалар билан бойитиш ҳам эди. Шу мақсаддан келиб чиқиб, 1952 йилда Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг мажлисида аҳоли қўлида мавжуд қўлёзмаларни сотиб олиш ҳақида қарор қабул қилинади ва шу асосда республиканинг турли вилоятларига давомли илмий экспедициялар уюштирилади, қадимий китоб ва ҳужжатларни баҳолайдиган махсус комиссия кўп йиллар давомида мунтазам ишлайди, республика бюджетидан шу мақсадлар учун алоҳида маблағ ажратилади. Бу тадбирлар натижасида Институт фонди яна бир неча минг ҳужжатларга, бир қанча қўлёзма ва тошбосма китобларга бойиди.

Илмий фаолиятнинг кўзга кўринган натижалари ФАШИ фондидаги қўлёзмаларнинг илмий тавсифини ўз ичига олган каталогларнинг дастлабки жилдларида (1–4-жилдлар, 1952–1957 йилларда) [140–143], ўрта аср мусулмон Шарқининг буюк олим ва мутафаккирларидан Абу Бакр Розий [87], Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий [106], Заҳириддин Бобур [53; 78; 79] қаламига мансуб асарларнинг нашрларида ўз аксини топди. Шулардан Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарининг араб тилидан ўзбек ва рус тилларига қилинган изоҳли таржимаси нафақат республика, балки жаҳон фани тарихида ҳам муҳим воқеа бўлди. Бу улкан ва машаққатли ишни

Шарқшунослик институтининг фидойи олимларидан С. Мирзаев, А. Расулов, А. Муродов, У. Каримов, А. Қаюмов, А. Ўринбоев, Қ. Муниров, М. Салье, Ю. Завадовский, П. Булгаков, А. Арендслар, проф. А. Асқаров ва В.Н. Терновский бошчилигидаги шифокорлар билан ҳамкорликда амалга оширдилар.



1954 йилда Римда медицина тарихи бўйича ўтказилган халқаро конгрессда шифокор академик В.Н. Терновский “Тиб қонунлари” I китобининг русча таржимасини Конгрессга тақдим

қилади. Бу таржима иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотади, чунки бунга қадар “Қонун”ни инглиз тилига таржима қилишга ўтган асрнинг 20-йилларида Англияда бир уриниш бўлиб, лекин бу таржима I китобнинг ярмида тўхтаб қолган эди. Шунинг учун ҳам ўзбекистонлик шарқшуносларнинг амалга оширган иши ҳақиқий илмий жасорат бўлди. Тарихда биринчи марта буюк аллома Ибн Синонинг жаҳонга машҳур асари арабчадан ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, 1954–1961 йиллар мобайнида 5 китоб, 6 жилдда босилиб чиқди [10; 14].

Ўзбекистонлик шарқшуносларнинг амалга оширган ишларининг эътирофи сифатида бир гуруҳ ўзбекистонлик олимлар совет делегацияси таркибида 1954 йилда Эронга шоҳ Ризо Паҳлавий томонидан таклиф қилинадилар. Бу сафар давомида олимлар шоҳ қабулида бўладилар, Ибн Синонинг Ҳамадондаги қабрини ҳам зиёрат қиладилар.



Эрон шоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий таклифи билан Теҳронга ташриф. 1954 й.




Теҳрон музейи. 1954 й.

1957 йилда энциклопедик олим Абу Райҳон Берунийнинг “Осор ал-боқия” асарининг араб тилидан рус тилига таржимаси илк бор амалга оширилади [27]. Шу тариқа XX асрнинг 50-йилларида ФАШИда ўрта асрлар мусулмон Шарқидаги фан тарихи йўналишига асос солинди.

Тарихий манбалардан А.А. Семенов томонидан тайёрланган, Аштархонийлар тарихига бағишланган Муҳаммад Юсуфнинг “Тарих-и Муқимхоний” (1956), тарихий жиҳатдан унинг давоми бўлмиш Мир Муҳаммад Амин-и Бухорийнинг “Убайдулланома” (1957) ва Абдурраҳмон Толенинг “Тарих-и Абулфайзхоний” (1959) асарлари таржималари нашр бўлди [8; 108; 121].

XX асрнинг 60-йилларида Институт илмий фаолиятида анча жонланиш кузатилади. 1963 йилда илмий фаолиятни кенгайтириш ва тартибга солиш мақсадида 2 та бўлим ва уларнинг қошида 7 та сектор ташкил қилинади:





Секторлар номларидан кўринадики, бу даврда Институтда кадрлар масаласи бир мунча ҳал қилиниб, каталоглаштириш ва манбалар нашри баробарида тарихий ҳужжатларни ҳам тизимли ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, хорижий Шарқ билан боғлиқ масалаларни энди мамлакатлар кесимида ўрганишга ҳам имкониятлар пайдо бўлган.



Қ. Муниров
(1928–2012)

1963 йилдан қўлёзмалар фондига тарих фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қувомиддин Муниров мудирлик қилган. Фондга тегишли реставрация лабораторияси, микрофильмлар тайёрлайдиган фото-лаборатория, картотека бўлими ишлари тизимли йўлга қўйилган. Шакллантирилиши 1944 йилдан бошланган илмий адабиётлар кутубхонаси фаолияти ҳам анча кенгайган. Асосий фонддаги қўлёзмаларни каталоглаштириш ишлари давом эттирилиб, СВР нинг V–VIII томлари нашр

қилинган [144–147]. Манбалар нашрига қаратилган ишлар доирасида Абу Райҳон Беруний фундаментал асарларини таржима ва тадқиқ этиш ишлари бошланиб, алломанинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” (1968) ҳамда “Ҳиндистон” асарларининг (1965) ўзбекча таржимаси [34; 37], “Ҳиндистон” (1963) ва “Геодезия” (1966) асарларининг рус тилига изоҳли таржимаси эълон қилинди [23; 24]. Шу даврдан Берунийнинг “Танланган асарлар” силсиласи бошланди. Беруний яшаган XI аср тарихини ёритувчи Байҳақийнинг “Масъуд тарихи” асарининг рус тилига таржимаси ҳам нашр қилинди [21]. Бу асар XI аср Марказий Осиё тарихига бағишланган ишончли ва маълумотларга бой манба ҳисобланади.







Бу даврда илмий асарлар баробарида Бухоро ва Хива хонлиги тарихига оид бир нечта ёзма асарлар ва тарихий ҳужжатлар таржимаси ва тадқиқига бағишланган нашрлар ҳам эълон қилинди [4; 6; 70; 100; 101; 139; 188; 213; 229; 230].



Яқин Шарқ мамлакатлари тарихи, иқтисоди ва маданияти бўлими секторларида олиб борилган тадқиқотлар натижаси ўлароқ Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистоннинг тарихи ва адабиётига оид бир нечта монографиялар нашр этилди [126–129; 175].

60-йиллардан Институт хорижий давлат арбоблари ва таниқли олимлар назарига тушди, дейиш мумкин. Чунки, 1960 йилда Афғонистон Фанлар академияси президенти Гулпача Улфат, Ҳиндистон Бош Вазири Жаваҳарлаъл Неру қизи Индира Ганди билан, 1966 йилда Ҳиндистон Бош Вазири Лаъл Баҳодир Шастри Институтга ташриф буюриб, қўлёзмалар фонди ва Институт илмий фаолияти билан танишдилар.

1967 йилда Институт Максим Горький кўчасидаги янги бинога кўчиб ўтди.



Афғонистон Фанлар академияси президенти Гулпача Улфат. 1960 й.





Ҳиндистон Бош Вазири Жаваҳарлаъл Неру қизи Индира Ганди билан. 1960 й.



Ҳиндистон Бош вазири Лаъл Баҳодир Шастри. 1966 й.

1970 йиллар. Бу даврда Институтда фан тарихи йўналишидаги ишларнинг фаоллашганини кўрамиз. Чунки 1973 йилда Абу Райҳон Берунийнинг 1000 йиллиги халқаро миқёсда, ЮНЕСКО шафелигида кенг нишонланди. Шу муносабат билан аллома танланган асарларининг рус тилидаги IV (“Фармакогнозия”), V (1,2. “Канон Масъуда”), VI (“Книга вразумления”) жилдлари [25; 28], ўзбек тилидаги икки қисмли V (“Масъуд қонуни”) жилди [35; 36]; ўзбек ва рус тилларидаги юбилей тўпламлари [56; 57]; П.Г. Булгаков ва А. Шариповларнинг монографиялари нашр қилинди [62; 192].








Мусулмон ренессансининг яна бир буюк олими – Абу Наср Форобийнинг илмий мероси ҳам тадқиқ этилиб, унинг Институт фондидаги асарлари қўлёзмаларининг каталоги, айрим асарлари таржималари, монографиялар дунё юзини кўрди [85].

Қўлёзмаларни каталоглаштириш борасида СВРнинг IX ва X жилдлари баробарида [148; 149] тадқиқотчиларга қулайлик яратиш мақсадида маълум бир муаллифнинг асарлари қўлёзмалари каталоглари ҳам тузила бошлади. Абдурраҳмон Жомий (1965), Алишер Навоий (1970), Абу Наср Форобий (1975), Амир Хусрав Деҳлавий (1975) асарлари каталоглари шулар жумласидандир. Бу даврда тарихий манбаларнинг нашрига

эътибор бирмунча пасайганлиги кўринса-да, Шарафуддин Али Яздийнинг Амир Темур фаолиятига бағишланган форс тилидаги “Зафарнома” асари факсимилесининг А. Ўринбоев томонидан чоп этилиши шу давр учун илмий жасорат эди [191].




70-йилларда Шарқ адабиёти бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг ҳам дастлабки натижалари кўрина бошлади. Жумладан, И. Абдуллаев таржимаси ва тадқиқида Абу Мансур Саолибийнинг араб тилидаги “Ятимат ат-даҳр” асари (1976), Р. Ходжаеванинг араб муаллифи Абдурраҳмон Ҳамисий ижоди (1973, 1975), С. Ермакованинг ҳинд шоири Субхадри Кмара шеърияти (1973), Т. Нигматовнинг Эрон адабиётига (1977) бағишланган китоблари дунё юзини кўрди [22; 124; 183; 184].


Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи йўналишидаги ишлар ҳам мамлакатлар кесимида давом эттирилиб, Ҳиндистон ва Афғонистондаги сиёсий, ижтимоий ва маданий жараёнларни ёритувчи монографиялар эълон қилинди [44; 74; 130; 137; 173].







Б.Аҳмедов
(1924–2002)



А.Ходжаев

Шу йилларда ФАШИда янги йўналишга асос солинди, яъни хитой манбаларини тадқиқ этиш бошланди. Бу ишларнинг фаол иштирокчиси, кейинчалик раҳбари т.ф.д. Аблат Ходжаев эди. 1978 йил сентябрь ойида ФАШИда “Ўрта Осиё ва Хитой тарихий-маданий муносабатлари” бўлими ташкил қилинди. Бу Москва томонидан Институтга билдирилган катта ишонч эди. Чунки бу вақтга қадар ХХРни ўрганиш ишлари фақат Москва ва Ленинградда, собиқ СССР Фанлар академияси таркибидаги Узоқ Шарқ институти ва Шарқшунослик институтидаги “Хитой бўлими”да бажарилар эди. 1978–1987 йилларда ФАШИдаги мазкур бўлимга академик Бўрибой Аҳмедов раҳбарлик қилган.

Хитойшунослик бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг дастлабки натижаси А. Ходжаевнинг “Цинская империя, Джунгария и Восточный Туркестан (Колониальная политика Цинского Китая во

второй половине XIX в.)” номли Москвада нашр этилган монографиясида (1979) ўз ифодасини топди.

1976–1979 йилларда Шарқшунослик институти фаолиятига фалсафа фанлари доктори, академик Мубин Баратов раҳбарлик қилди.



М. Баратов
(1933–2005)


Гарчи Ўзбекистон Совет Иттифоқи таркибидаги бир республика бўлса-да, унинг бу даврда илм-фан соҳаларида, хусусан, шарқшуносликда эришган ютуқлари, ФАШИ қўлёзмалар фондининг довруғи хорижда ҳам яхши маълум бўлган. 70-йиллардаги Франция Президенти Жорж Помпиду, Ҳиндистон Президенти Варахагари Венката, Ҳиндистон Парламенти делегацияси, машҳур Миср ёзувчиси Абдурраҳмон Ҳомисий, Бангладеш Ташқи ишлар вазири Камол Ҳусайн ва бошқа хорижлик нуфузли меҳмонларнинг ФАШИга ташрифи бунга ёрқин далилдир.



Франция Президенти Жорж Помпиду. 1970 й.



Ҳиндистон Президенти Варахагари Венката. 1970 й.



Ҳиндистон Парламенти делегацияси. 1974 й.



Миср ёзувчиси Абдураҳмон Хамисий.



М. Хайруллаев
(1931–2004)




А. Ўринбоев
(1929–2009)

XX асрнинг 80-йиллари ФАШИ учун Ибн Сино ва Муҳаммад Хоразмий йиллари бўлди. Чунки 1980 йилда Абу Али ибн Синонинг милодий ҳисобдаги 1000 йиллиги, 1983 йилда Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг 1200 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида халқаро миқёсда тантанали нишонланди. Шу саналар муносабати билан мазкур олимларнинг илмий меросини ўрганиш ишлари жадаллашди. Хоразмий ва Ибн Сино асарларини таржима ва тадқиқ қилишда, рус ва ўзбек тилидаги юбилей тўпламларини тайёрлашда ФАШИ ходимларидан У.И. Каримов, П.Г. Булгаков, А. Аҳмедов, Ҳ. Ҳикматуллаевларнинг хизматлари катта бўлди. Ал-Хоразмий асарларининг таржималари, Ибн Сино “Тиб қонунлари”нинг ўзбек ва рус тилларидаги қайта ишланган 2-нашри [12; 15; 63; 112; 113; 116], унинг бошқа кичик тиббий рисолаларининг таржимаси [16], қатор илмий асар ва мақолалар эълон қилинди [10; 13; 17; 55; 77; 172].

Юбилей муносабати билан ўтказилган халқаро конференцияларнинг ташкилий ва илмий ишларида ҳам ФАШИ фаол иштирок этди. Бу ишларга 1980–1986 йилларда ФАШИ директори бўлган фалсафа фанлари доктори, академик М.М. Хайруллаев бошчилик қилди.

1987 йилда Академик М. Хайруллаевнинг бошқа ишга ўтиши сабабли мамлакатдаги қайта қуриш даври яратган имкониятлар ўлароқ А. Ўринбоев ФАШИга директор этиб тайинланди.









1987 йилда Беруний танланган асарлари рус тилидаги силсиласининг совет давридаги охирги, кичик рисолаларни ўз ичига олган VII жилди нашр қилинди [26].

Қўлёзмаларни каталоглаштириш ишлари давом эттирилиб, СВРнинг XI жилди [150], Ибн Сино асарларининг ФАШИдаги қўлёзмалари тавсифини ўз ичига олган рус тилидаги каталоги эълон қилинди [68]. Бу йўналишда т.ф.д. А. Ўринбоев томонидан амалга оширилган “Навоий альбоми” тўпламидан жой олган Абдурраҳмон Жомийнинг автограф хатлари нашри [131] нафақат республика, балки хориждаги шарқшунослар учун ҳам катта туҳфа бўлди.




Бу даврда Институтда хорижий Шарқ мамлакатлари билан боғлиқ тадқиқотларга катта аҳамият берилган: 1985 йилда аёллар ҳаракати, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари, Жанубий Осиё мамлакатлари масалалари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Миср, Шарқий Туркистоннинг тарихи, иқтисоди, маданияти, ижтимоий ҳаёти ва адабиётига бағишланган 30 дан ортиқ монография ва рисолалар илмий муомалага киритилди [1; 2; 66; 80; 93; 102: 203-216; 103: 45-60; 107; 132; 174; 181].



Мазкур давр мобайнида ФАШИга Бангладешнинг СССРдаги элчиси Ризо Рашид Аҳмад (1983), Австралиянинг СССРдаги элчиси Эдуард Пороч (1984), Бруней Султонлиги делегацияси раҳбари Шайх Халил Муҳиддин (1984), Тунис Республикаси Парламенти раиси Маҳмуд Масъадий (1985), АҚШдаги Колумбия университети профессори Эдуард Олворт (1985), Ҳиндистон Бош Консули Й. Кумар (1988) каби бир қанча хорижлик меҳмонлар ташриф буюрди.


1980 йилларда Институтга ташриф буюрган юқори мартабали меҳмонлар фикрларининг “Ташриф дафтари”даги намуналари



It was a great pleasure for me to visit the Institute of Oriental Studies in Tashkent. The books and manuscripts have been kept in very methodical ways. They are a great treasure, and the scholars from all parts of the world would benefit from it. I am grateful to the Director and his associates for kindly showing us this valuable collection.

Feriza Rashid Ahmad.
Ambassador of the People's Republic of Bangladesh.
July 27, 1983.

Ризо Рашид Аҳмад. Бангладешнинг СССРдаги элчиси. 1983 й.




A magnificent representation of the brilliant culture of Central Asia, which has made a great contribution to our human civilization, and which your Institute is preserving and making known for all mankind. We are all grateful for your valuable contribution to historical and international understanding.


Edward Pocock
Ambassador of Australia to the USSR
and Margaret Pocock
31 May 1984

Australian Embassy
Kropotkinsky Pereulok 13
Moscow

Эдуард Пороч. Австралиянинг СССРдаги элчиси. 1984 й.


American specialists on Central Asian literature and history as well as cultural. Thank Dr. Muminov and the other distinguished scholars of the Oriental Institute for their friendly welcome and for the opportunity to see many beautiful rare manuscripts and lithographed books.
Professor Edward Allworth
Columbia University Jan 11, 1985

Эдуард Олворт.
АҚШ Колумбия университети профессори. 1988 й.


Посещение было очень интересно. В этом институте столь интересные рукописи есть что еще наши здесь изучать и ознакомиться. Будем надеяться о наших взаимных отношениях в дальнейшем. Все это эти отношения еще укрепились в интересах наших двух народов – индийского и советского. Большое вам спасибо и дальнейших успехов.

С уважением с сердцем
Ген. Консул Индии
5.1.88

Й. Кумар. Ҳиндистон Бош Консули. 1988 й.

90-йиллардаги республика ҳаётида юз берган ўзгаришларнинг инъикоси ФАШИ фаолиятида ҳам намоён бўлди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, диний эътиқод эркинлиги, тарихий меросни янги ёндошувлар асосида қайта ўрганиш имконияти Институтда янги – исломшунослик йўналишининг шаклланишига, ўзбек тилидаги илмий ва оммабоп нашрларнинг кўпайишига ва айни пайтда рус тилидаги ишларнинг, шу жумладан, диссертациялар сонининг камайишига сабаб бўлди. Илмий ишларда ўзбек тилининг устуворлиги улардан фойдаланувчилар доирасини торайтирди.

90-йилларнинг ўзига хос жиҳати – Ўзбекистонда Амир Темур ва Темурийларни ўрганиш ишларига кенг йўл очилди. Мавзуни ҳаққоний ва кенг ёритиш учун биринчи навбатда шарқ тилларидаги ўрта аср манбаларини таржима ва тадқиқ этиш зарурати бу ишларга шарқшуносларни жалб этишни тақозо қилди. Натижада, ФАШИнинг Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи, маданияти ва фани тарихи билан шуғулланувчи олимларидан Б. Аҳмедов, А. Аҳмедов, А. Ўринбоев, О. Бўриев, Д. Юсупова, Т. Файзиев, М. Ҳасанов, У. Уватов, Ғ. Каримов, С. Ғуломовлар томонидан қатор манба таржималари, монография ва рисолалар, туркум мақолалар илмий истифодага киритилди. 1994 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан чоп этилган уч тилдаги “Амир Темур жаҳон тарихида” номли коллектив монография [42], “Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийларнинг “Зафарнома”си [125; 190], Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” [81], “Мирзо Хайдарнинг “Тарих-и Рашидий” [109], “Темур тузуклари” [163], Мирзо Улугбекнинг “Зиджи джадиди Гурагони. Новые Гурагановы астрономические таблицы” [166] ва “Тўрт улус тарихи” [111], Бобурнинг хос табиби Юсуфийнинг тибга оид назмий ва насрий асарлари каби манбалар таржимаси [61; 118; 161; 217; 228], Т. Файзиевнинг “Темурийлар шажараси” ва “Темурий маликалар” каби асарлари [170] Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва бошқа темурийзодалар ҳақида ўқувчиларга тақдим этилган кўпсонли нашрларнинг айрим намуналаридир.






Шу даврда янги шаклланган исломшунослик ва тасаввуф тарихи бўйича Маҳмуд Замахшарий, Имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний, Сўфи Оллоёр ва бошқаларнинг асарлари таржималари ва улар ҳақидаги кичик рисолалар дунё юзини кўрди [20; 49; 115; 160; 165; 185]. Бу ишларнинг асосий қисми 1993 йилда ташкил қилинган “Исломшунослик ва ижтимоий фикр тарихи” бўлимида амалга оширилган.



1998 йилда фан тарихчилари учун яна бир қутлуғ сана – буюк математик ва астроном Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги тантаналари бўлиб ўтди. Шу муносабат билан олимнинг ҳаёти ва илмий фаолиятидан хабар берувчи ФАШИ ходимларининг ўзбек ва рус тилларидаги қатор нашрлари илмий истифодага киритилди [43; 45; 46; 64; 65; 214].



ФАШИнинг анъанавий йўналишларидан каталоглаштириш бўйича ҳам янгича ёндашув асосида амалга оширилган ишларни кўриш мумкин. Хусусан, бу даврда қўлёзмаларнинг мавзу каталогларини тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди.

Бу эса Институт фондидаги муайян мавзуга доир асарлар қўлёзмалари ҳақидаги маълумотларни бир жойга тўплаш ва шу орқали уларнинг муаллифлар, замон ва макон, мавзу ичидаги дифференциацияси, китобат жиҳатидан таркибини ҳам аниқлаш имконини берди. 1998 йилда тарих ҳамда табиий фанларга оид қўлёзмаларнинг каталоглари чоп этилди [151; 155]. Бу ишларга 1994 йилда Институтга иккинчи бор директор қилиб тайинланган академик М. Хайруллаев бош бўлдилар.




М. Хайруллаев
(1931–2004)




М. Ҳасанов

1998 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти ёпилди ва унда сақланаётган қўлёзмаларнинг катта қисми ФАШИ га берилди. Натижада Институтда 7587 та қўлёзма ва 6875 та тошбосма китобларни ўз ичига олган Ҳамид Сулаймонов фонди шаклланди. 1993–2003 йилларда Институт фондидаги ишлар т.ф.д. М. Ҳасаний раҳбарлигида олиб борилди.



Бу даврда мустақил Ўзбекистон билан дипломатик ва дўстлик алоқаларини ўрнатиш истагидаги давлатлардан уларнинг раҳбарлари, мартабали меҳмонлар республикамизга кела бошладилар. Уларнинг орасида Институт фондига ва фаолиятига қизиқиш билдирганлар ҳам оз эмас эди. Жумладан, 1990–1998 йиллар оралиғида Институтга Ҳиндистон Бош Вазири Нарасимҳа Рао (1993), Эрон Ислом Республикаси Президенти Али Акбар Ҳошеми Рафсанжоний (1993) ва Таълим вазири Баҳман Акбарий (1998), Покистон Армияси генерали Жавед Ашраф (1994), Япония элчиси Убору Магасаки (1995), Ҳиндистон Ташқи ишлар вазири Жатиня Натҳ Диксит (1996), Турк тарихи қуруми директори Юсуф Ҳалачоғлу (1997) ҳамда бошқа арбоб ва олимлар ташриф буюрдилар.



Ҳиндистон Бош Вазири Нарасимҳа Рао. 1993 й.




Эрон Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний. 1993 й.




Покистон Армияси Генерали Жавид Ашраф. 1994 й.




Турк тарихи қуруми директори Юсуф Халачоғлу. 1997 й.



Баҳман Акбари. Эрон Ислом Республикаси Таълим вазири. 1998 й.



Убору Магасаки. Япония элчиси. 1995 й.



Жатиня Натх Диксит
Ҳиндистон Ташқи ишлар Вазири. 1996 й.





Б.Абдуҳалимов



Б. Қосимхонов
(1945–2018)

2000 йиллар. Бу вақтга келиб, ФАШИ “al-Biruni Institute” номи билан дунё шарқшунослигида ўз ўрнига эга эди. Институтнинг қўлёзмалар фонди ЮНЕСКО ташкилотининг “Дунё хотираси” рўйхатига киритилди.

2003 йилда ФАШИга т.ф.д. Б.А. Абдуҳалимов директор этиб тайинланди, фонд мудирлигини 2003–2018 йиллар мобайнида ф.ф.н. Б. Қосимхонов бажарди. Шу йили республикадаги илм-фан соҳасида ўтказилган ислоҳотлар туфайли илмий тадқиқот ишлари грант тизимига ўтказилди. Натижада, ФАШИдаги илмий ишлар ҳам энди бўлимларда эмас, вақтинча ташкил этилган илмий гуруҳлар томонидан фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилди. Бу ҳолат 2017 йилгача давом этди. Лекин 2000 йилларда Институт ходимлари халқаро грантларда фаол иштирок этганликлари

учун ҳамкорликдаги қатор нашрлар пайдо бўлди. Уларнинг умумий сони 30 дан ортиқ бўлиб, Япония, Германия, Англия, Эрон, Голландия, Россия ва Қозоғистонда эълон қилинган. Мавзусига кўра уларнинг салмоқли улуши каталог ва манба нашри шаклидаги ислом ва тасаввуфга доир асарларга тўғри келади [7; 82; 83; 94; 95; 98; 105; 114; 138; 171; 189; 194; 234; 235; 237; 242]. А. Ўринбоев томонидан Эронда нашр қилинган Абдурраҳмон Жомий хатлари ва Голландиянинг Брилл нашриётида чиқарилган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва шогирдлари хатлари жаҳоншумул аҳамиятга молик ишлардан бўлди [238; 241].



2008 йилда Институтда катта хорижий лойиҳа – Асосий фонддаги 13000 дан ортиқ қўлёзмаларнинг инглиз тилидаги электрон каталогини яратиш ишлари ФАШИ катта илмий ходими Санжар Ғуломов раҳбарлигида бошланди. Бу лойиҳа Германиянинг Герда Ҳенкель фонди ҳомийлигида амалга оширилди. Лойиҳа ишини халқаро экспертлардан ташкил топган Илмий кенгаш назорат қилди.



2006 йилда Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги халқаро даражада нишонланди. Бу юбилей тадбирларининг илмий қисмини бажариш ФАШИ олимларига топширилди. “Хоразм Маъмун академияси” номли коллектив монография ва шу номдаги альбомнинг матнлари амалга оширилган ишларнинг ҳосиласидир [186; 187]. Бу ўнйилликда тарих, фан тарихи, исломшунослик ва халқаро муносабатлар тарихи бўйича бир нечта ўзбек ва рус тилларидаги монографиялар эълон қилинди [47; 51; 54; 67; 88–92; 158; 159; 197; 216]. Шулардан А. Ходжаевнинг “Китайский фактор в Центральной Азии”, “Буюк ипак йўли” номли асарлари [176; 180] бу китобларга бўлган талабдан келиб чиқиб, кейинги йилларда тўлдирилган ҳолда яна қайта нашр қилинди. Б. Абдуҳалимовнинг “Байт ал-ҳикма” ва “Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти” номли монографияси ҳам турк ва араб тилларига таржимада чоп этилди [9; 169; 233].



2000 йилларда ФАШИга қўлёзма фондини кўриш ёки ундан фойдаланиш мақсадида кўплаб хорижлик тадқиқотчилар келдилар. Жумладан, Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси Мартин Ҳекер (2001), Малайзия элчиси Яҳё Адил Табан, АҚШ Ислом Ташкилотининг раиси Муҳаммад Ҳошим Каббоний (2002) ва бошқалар.

2010–2023 йиллар. Сўнгги 14 йил ичида Институт ҳаётида бир нечта тарихий воқеалар юз берди.

2014 йил 8 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ПҚ-2204-сонли қарорига асосан ФАШИ Тошкент давлат шарқшунослик институти (ТДШИ) ҳузуридаги Шарқ қўлёзмалари марказига (ШҚМ) айлантирилди. Бунинг оқибатида бир нечта ходимлар ишдан бўшаб кетди, Институтдаги хорижий Шарқ мамлакатларининг замонавий муаммоларини ўрганиш ишлари тўхтатилди. Лекин бошқа йўналишдаги илмий тадқиқотлар фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида давом эттирилди. Марказ билан ТДШИ ўртасидаги интеграцияни кучайтиришда ТДШИнинг илмий ишлар бўйича проректори Г.Ш. Рихсиеванинг хизматлари катта бўлди. 2014–2016 йилларда фаолият кўрсатган ШҚМга т.ф.н. Н. Муҳамедов раҳбарлик қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Фанлар академияси фаолиятини ташкил қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2789-сон Қарори қабул қилинди ва унга биноан ФА тизимидан чиқарилиб, ОТМлар ҳузуридаги илмий марказларга айлантирилган институтлар яна ФАга Институт мақомида қайтарилди. Қайтарилганлар орасида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳам бор эди. Бу институтнинг қўлёзмалар фонди, унинг миллатнинг тарихи, маданияти ва келажак авлодни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, 2017 йил 24 майда Республика Президентининг “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли Қарори қабул қилинди. Бу қарорда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қадимий қўлёзмалар, тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган ёзма манбаларни сақлаш, илмий асосда тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш бўйича мамлакатимиздаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгиланди ва унинг фаолиятини

ривожлантириш бўйича қатор вазифалар қўйилди. Институтдаги бўлимлар тикланиб, қўшимча равишда Шарқ мумтоз адабиёти ҳамда хорижий Шарқ мамлакатларининг замонавий муаммоларини ўрганадиган 2 та бўлим ташкил қилинди. Илмий тадқиқотлар давлат бюджети маблағларидан молиялаштириш тизимига қайтарилди.



Вазифаларнинг ижроси ўлароқ Қарор иловасида кўрсатилган, турли мавзуларга оид 26 та манба таржима ва асл матн шаклида илмий муомалага киритилди; Институтда қўлёзма манбаларни баҳолаш комиссияси, республиканинг давлат ташкилотларида сақланаётган ўрта аср манбаларини мониторинг қиладиган эксперт комиссияси тузилди. Бу экспертлар томонидан 2018–2019 йилларда республика вилоятларига уюштирилган археографик экспедициялар натижасида 107 та давлат муассасасидаги фондлар текширилди ва уларнинг 80 тасида 40000 дан зиёд қўлёзма, 70 000 дан ортиқ тошбосма ва 500 000 дан кўпроқ тарихий ҳужжатлар борлиги аниқланди. Уларнинг сақланиш ҳолати, бирламчи қайдлар ва тадқиқотлари, кадрлар билан таъминланганлик масалалари ўрганилди. Қўлёзмаларни баҳолаш комиссияси фаолияти натижасида ҳозирда Институт фонди аҳоли қўлидан сотиб олинган 326 та қўлёзма, 249 та тошбосма ва 334 та тарихий ҳужжатлар ҳисобига бойитилди.



2017 йилда Институт ҳаётида яна бир муҳим воқеа содир бўлди – 25 октябрда Институт Ўмон Султонлигининг молиявий кўмаги билан қурилган, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги бинога кўчиб ўтди ва 2018 йил 15 мартда унинг расмий очилиш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири А.Н. Арипов ва Ўмон Султонлигидан ўша даврдаги Маданият Вазири, ҳозирда Ўмон Султони Ҳайсам бин Тариқ бошчилигидаги юқори мартабали меҳмонлар иштирок этдилар.



Ўмон Ташқи Ишлар Вазири
Юсуф бин Алави бин Абдуллоҳ. 2012 й.







Ўмон Маданият Вазири Ҳайсам бин Тариқ. 2018 й.



Ш.Исламов

Б. Қосимхоновнинг вафоти туфайли 2018 йилдан ҳозирга қадар ФАШИ қўлёзмалар фонди мудири вазифасини ёш шарқшунос Шарифжон Исламов бажариб келмоқда.

Янги бинода Институтнинг қўлёзмалар фондидаги манбаларни сақлаш ва таъмирлаш учун замонавий шароитлар яратилди. Бу эса манбаларни зарур шароитларда сақлови ва ҳимоя нусхаларини тайёрлаш баробарида реставрация ишларини ҳам жонлантирди.

Бу йўлдаги дастлабки жиддий қадам 2010 йилда ЮНЕСКО ҳомийлигида қўйилиб, Институтнинг реставрация лабораторияси замонавий ускуна, бутловчи материал ва реактивлар билан таъминланган ва реставраторлар учун хорижий мутахассислар томонидан Институтда ва хорижда бир неча тренинг машғулотлари ўтказилган эди. Шу ишларнинг натижасида Институт реставратор-

ларининг амалиёти янги босқичга кўтарилди: улар ҳозирда фақат таъмирлаш ишлари билангина шуғулланиб қолмай, республика раҳбарияти ва турли ташкилотларнинг буюртмасига биноан зийнатли ва нодир қўлёзмаларнинг муляж нусхаларини ҳам тайёрлаб бермоқдалар. Хусусан, 2022 йилда Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевга совға учун фонддаги Фузулий девони зийнатли қўлёзмасининг тўлиқ нусхаси тайёрлаб берилди.



Реставрация жараёни



Хазина



Реставраторлар ишидан намуналар



Қўлёзмалар экспертизаси



Қироатхона





Фузулий девони муляжи Муқова муляжи

Бу даврда ФАШИнинг республика ва хориждаги тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлиги фаоллашди. Жумладан, ЮНЕСКОнинг Самарқанддаги Марказий Осиёни тадқиқ этиш халқаро институти билан ҳамкорликда “Қўлёзмаларда Марказий Осиё тарихи” серияси ташкил қилиниб, 2012–2016 йилларда Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги тарихига оид 3 та манбанинг танқидий матни нашр қилинди [117; 120; 240]. Электрон оммавий ахборот воситалари миллий агентлиги билан ҳамкорликда 2 та катта лойиҳа амалга оширилди. Улардан бири кўп жилдлик “Ўзбекистон обидаларидаги битиклар” номли серия бўлиб, ундаги эпиграфик матнларини ўқиш, таржима ва талқин қилиш ишларида ФАШИнинг Б. Бобожонов, К. Раҳимов, С. Эшонова каби ходимлари иштирок этдилар (2016). Кейинчалик эпиграфик тадқиқотлар 2020 йилда Венада нашр бўлган, Хива эпиграфикасига бағишланган икки жилдлик монографияда мантиқий давом топди [48; 201–210]. Иккинчи лойиҳа – “Ўзбекистоннинг маданий мероси” номли 35 жилдлик серия бўлиб, унинг 21–25-жилдлари ФАШИ қўлёзмалар фондининг тарихий асарлар ва ҳужжатлар; аниқ ва табиий фанлар; фалсафа ва ислом илмлари; адабиёт; шарқ миниатюралари коллекцияларига бағишланди. Ҳар бир жилдга танлаб олинган юзга яқин/ортиқ қўлёзмаларнинг илмий тавсифлари ҳамда кириш мақолалар ўзбек, инглиз ва рус тилларида киритилди (2020) [199]. 2022 йил 4–5-сентябрь кунлари Самарқандда ШҲТнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Институт олимлари томонидан Мирзо Улуғбекнинг “Зижи жадиди Гурагоний” асарининг ўзбек, рус, инглиз ва хитой тилларига таржималари [167] ҳамда Институт фондидаги Алишер Навоий зийнатли қўлёзмалари йиғилган “Шоирга тож” номли тўрт тиллик альбом чоп қилинди [195]. Мазкур нашрлар ШҲТ мамлакатлари раҳбарларига совға қилинди.


Институтнинг маҳаллий ва хорижий ҳамкорликдаги нашрлари


Самарқанддаги Марказий Осиёни тадқиқ этиш халқаро институти (МИЦАИ)





Электрон оммавий ахборот воситалари миллий агентлиги (НАЭСМИ)






“ERIELL prof education” корпоратив ўқув маркази




Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 декабрда қабул қилинган 07/1-266-сонли махсус қарорида термизлик алломалар илмий меросини ўрганиш, уларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш вазифаси белгиланди. Шунингдек, 2017 йилда Имом Термизий марказининг ташкил этилиши ва республикада термизлик олимларнинг илмий меросини ўрганиш бўйича олиб борилаётган изланишларнинг фаоллашгани муносабати билан ФАШИнинг исломшунослари томонидан термизлик олимларнинг дунё фондларидаги асарлари қўлёзмалари аниқланди, Абу Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Хожа Самандар Термизий, Адиб Собир Термизий, Муҳаммад Термизий каби олимларнинг диний, дидактик, адабий ва тиббий мазмундаги асарлари илк бор ўзбек тилига илмий изоҳли таржима қилиниб, шу кунгача 16 та китоб шаклида чоп қилинди [18; 19; 162; 182; 218–227].



Институтда амалга оширилган Бухоронинг етти пири ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ К. Раҳимовнинг бир қатор ишлари [134] юртимиз ва чет элда муносиб эътироф топди.

Марказий Осиё тарихи йўналишида Марказий Осиёнинг Хитой ва Шарқий Туркистон билан муносабатлари тарихини ўрганиш ишларини давом эттирган ҳолда, қадимий ёзма ва нумизматик манбалар асосида исломгача бўлган даврдаги туркий халқлар тарихи, этногенези, маданияти, туркий сулолалар ва унвонлар, Ғарбий Турк Хоқонлигининг давлат тузуми каби мавзуларда ҳам тадқиқотлар олиб борилди ва уларнинг натижалари Ғ. Бобоёров ва А. Кубатинларнинг республика ва хорижда нашр бўлган 10 дан ортиқ монография ва 100 дан ортиқ мақолаларида берилди [50; 52; 58–60; 99].




Юртимизнинг нисбатан кам ўрганилган ўрта асрлардаги таълим тизими тарихи ёритилган монографиялар ҳам Институтда амалга оширилган тадқиқотларнинг салмоқли натижаси бўлди [75; 76].

Бу даврда нисбатан оқсаб келаётган матншунослик йўналишидаги ишларга ҳам жиддий эътибор қаратилди: ФАШИ фондидаги Алишер Навоийнинг ҳаётлиги даврида китобат қилинган “Ғазалиёт девони”нинг ноёб қўлёзмаси (2021) [40], Абу Ҳафс Насафийнинг (1068–1142) араб тилидаги “Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум” энциклопедик асарининг XIV асрга мансуб нодир қўлёзмаси [123], шу қўлёзмадан ўрин олган “Машориъ аш-шарои” асарининг асл матни (2021) [232], XV асрда Алишер Навоий топшириғи билан ёзилган Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Мавоҳиби Алийя” номли тафсирининг автограф нусхаси (2022) [231], Абу Райҳон Беруний “Китоб ат-тафҳим” асарининг XIII аср қўлёзмаси ва “ал-Осор ал-боқия” асарининг Эдингбургдаги XIV асрга мансуб зийнатли қўлёзмасининг факсимиле нашрлари [31; 32] шулар жумласидандир.

2018 йилдан йўлга қўйилган шарқ мумтоз адабиёти бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижаси ҳам бир нечта нашрларда ўз ифодасини топди [3; 136; 196; 200]; шу йили ФАШИнинг 75 йиллигига аталган, Институтнинг мустақиллик йилларидаги нашрларининг мавзуларга ажратилган библиографик тўплами чоп қилинди [211].

Институтнинг доимий каталоглаштириш йўналишидаги ишлар ҳам мавзу каталогларини яратиш йўлида давом эттирилди. Мисол тариқасида фалсафага оид асарлар қўлёзмалари каталогининг 1-жилди (2017) [156], қўлёзма девонларнинг 2 жилдлик каталоглари (2017; 2023) [152; 153], 1887 йилдаги Туркистон қозилик ҳужжатлари каталогини (2016) [41] зикр қилиш мумкин. 2017 йилдан эса Институт Асосий фондининг инглиз тилидаги электрон каталоги Интернет тармоғига жойлаштирилди, бу эса республика ва хориждаги мутахассисларнинг Институт қўлёзмалар фондидан фойдаланиш ва электрон нусхалар олиш ишларини енгиллаштирди.









ФАШИ фондидаги манбаларнинг тарихий, илмий, маданий ва маънавий аҳамиятининг яна бир карра эътирофи сифатида ундаги Жалолиддин Румий асарлари қўлёзмалари 2023 йилда ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” рўйхатига киритилди.

2023 йил Ўзбекистонда Абу Райҳон Беруний йили бўлди. Бу санага тайёргарлик ишларини юқори савияда ташкиллаштириш мақсадида 2022 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-361-сонли қарори қабул қилинди. Шу қарорда республикадаги берунийшуносликни ривожлантириш ва аллома илмий меросини дунё миқёсида кенг тарғиб қилишга қаратилган бир қанча вазифалар белгиланган бўлиб, уларнинг ижросида ФАШИ ходимлари фаол иштирок этдилар. Хусусан, 2023 йил сентябрида ЮНЕСКОнинг Париждаги ваколатхонасида республика ва хориждаги олимлар иштирокида “Абу Райҳон Беруний. География ва интеллектуал саёҳатлар” номи остида Беруний асарлари қўлёзмаларининг кўргазмаси ва маданий тадбирлар ўтказилди, ўзбекистонлик ва хорижий олимларнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги мақолалари ўрин олган китоб нашр этилди [29]. Институт ходимлари шу китобни шакллантириш ва таҳрир ишларини, шунингдек, мазкур кўргазма учун Берунийнинг Париж Миллий кутубхонасидаги 4 та асари қўлёзмаларининг муляжини ясаш ишларини амалга оширдилар. Бундан ташқари, Беруний асарларининг 9 жилдлик ўзбек тилига таржимаси [33], Беруний тумани, Урганч ва Тошкент шаҳарларида 26–28 сентябрь кунлари бўлиб ўтган халқаро конференциянинг ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги мақолалар кирган материаллари тўплами [30] ҳамда номлари юқорида зикр қилинган Берунийнинг 2 та асари қўлёзмасининг факсимиле нашрларининг тайёрланиши ҳам ФАШИнинг мазкур қутлуғ санага туҳфаси бўлди.



Институтнинг 80 йиллик фаолияти давомида 50дан ортиқ давлатдан юқори мартабали меҳмонлар ташриф буюрганлар.



***

ФАШИда ҳамма вақт кадрлар тайёрлаш ишларига жиддий эътибор берилган. Хусусан, кўп йиллардан бери Институтда аспирантура ва докторантура, тарих фанлари бўйича докторлик диссертациялар ҳимоясига ихтисослашган кенгаш фаолият олиб боради.

Ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали илмий изланишлари учун шарт-шароит яратиш ва ёш тадқиқотчилар томонидан фонддаги қўлёзма меросни нашр этиш Институт ёшлар сиёсатининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Институтда ёш олимлар кенгаши (ЁОК) мавжуд. 2018–2023 йилларда кенгаш таркибига 40 нафар ёш олим кирди. Институтда ЁОК ҳузурида 2018 йилда ташкил этилган «Билимкент» илмий семинари томонидан республика ва хориждан таниқли олимлар жалб қилинган ҳолда ёш мутахассислар учун ҳар ойда семинарлар ўтказилади, шунингдек, ёш олимлар томонидан олиб борилаётган илмий изланишларнинг натижалари ва ёш кадрлар диссертацияси кенг муҳокама қилинади. Сўнгги беш йил ичида 55 та семинар ўтказилиб, шулардан 26 тасида Австралия, Австрия, АҚШ, Буюк Британия, Голландия, Жанубий Корея, Россия, Туркия, Қозоғистон, Ҳиндистон олимларининг илмий маърузалари тингланди.



Ш. Исламов
2012–2016 йй.
ЁОК раиси



Ҳ. Назирова
2017–2022 йй.
ЁОК раиси



А. Идиев
2022–ҳ.в.гача
ЁОК раиси

2004 йилдан ФАШИда Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги республика илмий конференцияси ташкил қилиниб, 2004-2021 йилларда 17 марта ўтказилди. Уларда республиканинг соҳага алоқадор илмий ва олий таълим даргоҳларидаги ёш тадқиқотчилар ўз маърузалари билан иштирок этдилар. 2019 йилдан мазкур конференция халқаро даражага кўтарилди, иштирокчилар давраси кенгайди ҳамда у аввал Туркиянинг TIKA ташкилоти, 2021 ва 2022 йилларда эса халқаро IRCICA ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилди. Конференция материаллари аввал тезислар тўплами [73], сўнгги йилларда эса мақолалар шаклида нашр қилиб борилди [198].



Институтга қўлёзмалар билан ишлай оладиган кадрларни тайёрлаш мақсадида 2015 йилда ўрта аср манбаларини ўрганиш бўйича манбашунослик ва матншунослик экспериментал илмий лабораторияси ташкил этилди. Лабораторияда ТошДШИдан танлаб

олинган 15 та талаба таҳсил олди, шулардан 3 нафар талаба кейинчалик Институтга ишга қабул қилинди, 1 та битирувчи таянч докторантурага кирди (2020).


Институт Тошкент давлат шарқшунослик университети (ТДШУ), Халқаро ислом академияси (ХИА), Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети (ЎТАУ) билан ҳамкорлик шартномаларини тузган. Шунга кўра ҳар йили 150 дан ортиқ бакалавр ва 10 дан ортиқ магистрлар Институтда тарихий ва адабий манбашунослик, исломшунослик, Шарқ фалсафаси тарихи каби йўналишлар бўйича амалиёт машғулотларини ўтайдилар. Ҳозирги кунда ФАШИнинг 10 дан ортиқ илмий ходимлари ОТМларда педагогик фаолият олиб борадилар. 2019 йилдан Институт ходимлари томонидан нашр қилинган 28 та манбалар таржимаси, ўқув қўлланма ва дарсликлар ТДШУ ва ХИА ўқув дастурларида фойдаланилмоқда, 17 та нашр эса ТДШУ аудио-дарсларида ишлатилди.



Институт “Meros” республика илмий журналининг асосчиси ҳисобланади. У 1990–2015 йилларда “Шарқшунослик” илмий альманахи сифатида 17 та сонда нашр этилган [193]. Институтнинг қайта ташкил этилиши муносабати билан 2018 йил 16 февралда у Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва матбуот агентлигида қайта рўйхатдан ўтказилди (гувоҳнома № 0860 ва №000535) ва йилда 2 та сони нашр қилинади [239].



“Шарқшунослик” илмий альманахи (1991–2014)



“Meros” журнали. 2018 йилдан ҳ.в.гача

Юқорида айтилганлар ФАШИнинг 80 йиллик тарихидан олинган айрим лавҳалар эди. Истиқболдаги режаларга келсак, Институт илмий тадқиқот йўналишларини такомиллаштириш ва жаҳон шарқшунослигига интеграциясини кучайтириш мақсадида умуман ўрта асрлар тарихини ўрганиш баробарида, қуйидаги илмий йўналишларни ривожлантиришни режалаштирмоқда: замонавий кодикология талаблари ва техник имкониятлар доирасида Институт фондларини каталоглаштириш; кенг мавзу ва давр майдонидаги қўлёзма манбаларнинг асл матни ва илмий изоҳли таржималарини нашр қилиш; Шарқ халқлари фани ва маданияти тарихини Марказий Осиёнинг ўрта асрлардаги илмий ва таълим марказлари сегментида тадқиқ этиш; хорижий Шарқ мамлакатларининг замонавий муаммоларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларнинг географик қамровини кенгайтириш; шарқ мумтоз адабиёти ёдгорликларини тадқиқ ва нашр қилиш; исломшунослик тадқиқотларини минтақавий ислом тарихи кесимида олиб бориш; ҳужжатшунослик тадқиқотларини янги методологик ёндошувлар асосида давом эттириш.

***

Ушбу мақола материалларини йиғиш ва тайёрлашда менга яқиндан ёрдам берган Институт илмий бўлимлари бошлиқлари, хоссатан, филология фанлари номзоди, “Шарқ мумтоз адабиёти” бўлими мудири Салимахон Эшоновага, илмий кутубхонанинг Раъно опа Магрупова раҳбарлигидаги ходимларига чексиз миннатдорчилигимни билдираман.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане (X и нач. XI вв.). Ташкент, 1984.
2. Абдуллаев Ф. Общественно-политическое и социально-экономическое развитие Ирана в начале XX в. Ташкент, 1983.
3. Абдуллажон Насимий. Мажмаъ ал-ҳаводис / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, кўрсаткич ва изоҳлар муаллифи С. Эшонова. Тошкент, 2019.
4. Абдураимов М. Вопросы феодального землевладения и феодальной ренты в письмах эмира Хайдара. Ташкент, 1961.
5. Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. Ташкент, 1970.
6. Абдураимов М. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XIV – перв. пол. XIX вв. Т.I. Ташкент, 1966.
7. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи Саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 1405–1429 йиллар воқеалари / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев. 2 жилдлик. Тошкент, 2008.
8. Абдуррахман-и Тали. История Абулфейз-хана / Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А. Семенова. Ташкент, 1959.
9. Абдуҳалимов Б. “Байт ал-ҳикма” ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. Тошкент, 2004.
10. Абу Али ибн Сина и естественные науки / Сборник статей. Ташкент, 1981.
11. Абу Али ибн Сина. Канон врачебной науки. Кн. 1–5. Ташкент, 1954–1960.
12. Абу Али ибн Сина. Канон врачебной науки. Кн. 1–5. Второе изд. / Второе издание подготовлено У.И. Каримовым и П.Г. Булгаковым. Ташкент, 1979–1983.
